


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

70720801 – *Машинасозлик технологияси ва жиҳозлари (ишлаб чиқариш бўйича)* магистратура мутахассислигининг малака талаблари

Тошкент-2021



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети;
- “Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги конструкторлик-технологик маркази” МЧЖ

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 202_ йил «__» _____ даги ____ - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 202_ йил «__» _____ даги ____ - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. 70720801 – <i>Машинасозлик технологияси ва жиҳозлари (ишлаб чиқариш бўйича)</i> магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи	4
1.1. Қўлланиш соҳаси	4
1.1.1. 70720801 – <i>Машинасозлик технологияси ва жиҳозлари (ишлаб чиқариш бўйича)</i> магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари	4
1.2. 70720801 – <i>Машинасозлик технологияси ва жиҳозлари (ишлаб чиқариш бўйича)</i> мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятлари тавсифи	4
1.2.1. 70720801 – <i>Машинасозлик технологияси ва жиҳозлари (ишлаб чиқариш бўйича)</i> мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари	4
1.2.2. 70720801 – <i>Машинасозлик технологияси ва жиҳозлари (ишлаб чиқариш бўйича)</i> мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари	4
1.2.3. 70720801 – <i>Машинасозлик технологияси ва жиҳозлари (ишлаб чиқариш бўйича)</i> мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари	5
1.2.4. 70720801 – <i>Машинасозлик технологияси ва жиҳозлари (ишлаб чиқариш бўйича)</i> мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари	5
2. 70720801 – <i>Машинасозлик технологияси ва жиҳозлари (ишлаб чиқариш бўйича)</i> таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар	7
2.1. Умумий компетенциялар	7
2.2. Касбий компетенциялар	7
Библиографик маълумотлар	8
Келишув варағи	9

1. 70720801 – Машинасозлик технологияси ва жиҳозлари (ишлаб чиқариш бўйича) магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи

70720801 – Машинасозлик технологияси ва жиҳозлари (ишлаб чиқариш бўйича) (ишлаб чиқариш бўйича) магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш кундузги таълим шаклида амалга оширилади. Мутахассислик бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. 70720801 – Машинасозлик технологияси ва жиҳозлари (ишлаб чиқариш бўйича) магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби *70720801 – Машинасозлик технологияси ва жиҳозлари (ишлаб чиқариш бўйича)* магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасасининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- магистратура мутахассислигининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим муассасасининг талабалари;
- магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим муассасаларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим муассасаларига ўқишга қираётган баклаврият битирувчилари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 70720801 – Машинасозлик технологияси ва жиҳозлари (ишлаб чиқариш бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи

1.2.1. 70720801 – Машинасозлик технологияси ва жиҳозлари (ишлаб чиқариш бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:

70720801 – Машинасозлик технологияси ва жиҳозлари (ишлаб чиқариш бўйича) – “Ишлаб чиқариш технологияси” таълим соҳасига оид мутахассислик бўлиб, барча таълими муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий тадқиқот институтларида, давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, акциядорлик жамиятларида, ишлаб чиқариш корхоналарида, жумладан: машинасозлик корхоналари, тармоқлари ва уларнинг жиҳозларини лойиҳалаш, ишлаб чиқариш, монтаж қилиш, созлаш ва ишлатиш билан шуғулланувчи барча саноат ташкилотлари мажмуини камраб олади.

1.2.2. 70720801 – Машинасозлик технологияси ва жиҳозлари (ишлаб чиқариш бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида педагогик фаолият;

- Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ва марказларида ҳамда олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот фаолияти ва жараёнлар;
- кайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим тизими муассасалари;
- давлат бошқаруви ва унинг турли ҳудудий бўлинмалари;
- технологик жараёнлар, технологик жараёнларни лойиҳалаш ва автоматлаштирилган лойиҳалаш;
- технологик тизим элементлари: технологик жихозлар, асбоб-ускуналар ва уларнинг конструкциялари;
- технологик тизим элементлари: технологик жихозлар, асбоб-ускуналар ва улардан фойдаланиш, таъмирлаш ва созлаш ҳамда уларга техникавий сервис кўрсатиш тизимлари;
- технологик жихозлар, технологик мажмуалар ва ускуналар автоматлаштириш тизимлари;
- илмий ва ишлаб чиқариш фаолиятини техникавий таъминлаш воситалари;

1.2.3. 70720801 – Машинасозлик технологияси ва жиҳозлари (ишлаб чиқариш бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари

- илмий тадқиқот фаолияти;
- педагогик фаолият;
- лойиҳавий-конструкторлик фаолияти;
- таҳлил ва назорат фаолияти;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти.

1.2.4. 70720801 – Машинасозлик технологияси ва жиҳозлари (ишлаб чиқариш бўйича) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:

70720801 – Машинасозлик технологияси ва жиҳозлари (ишлаб чиқариш бўйича) мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси куйидаги касбий вазифаларни бажаришга кодир бўлиши лозим:

Илмий тадқиқот ва педагогик фаолиятида:

- илмий, амалий тадқиқотларни ўтказиш, тажриба натижаларини таҳлил қилиш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий янгиликларни кашф этиш;
- илмий мақолалар, маърузалар, рисола, ўқув адабиётлар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;
- илмий адабиётлар ва интернет тармоғида энг янги илмий, конструкторлик, технологик ва эксплуатацион ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш ҳамда фаол иштирок этиш;
- мос мутахассислик мавзуси бўйича илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш, ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш;
- олий таълим, кайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида мутахассислиги бўйича педагогик ва ўқув-услубий фаолият юритиш;
- ўқув жараёнини ва илмий фаолиятни ташкил қилиш, замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан, ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиб ўқув машғулотларини ўтказиш;
- электрон (e-learning), мобил (m-learning), масофавий ахборот технология ва ўқув-методик мажмуаларни мукамал ўзлаштириш;
- педагогик ва илмий маҳорати ҳамда малакасини мунтазам ошириб бориш.

Лойиҳавий-конструкторлик фаолиятида:

- амалий фаолиятда инструментал воситаларни ва ишлаб чиқариш муҳитини такомиллаштириш;

- ишлаб чиқаришни бошқаришга тааллуқли жараёнлар ва концепцияларни жорий қилиш;

- ишлаб чиқарш корхона ва ташкилотларни режалаштириш, лойиҳалаш ва бошқарувни амалга ошириш;

- корпоратив маданият, персонални бошқариш, ташкилий коммуникацияни амалга ошириш;

- техник маълумотлар таҳлили ва унинг имкониятини тушуниши, унинг негизида ишлаб чиқариш самандорлигини ошириш мақсадида қарор қабул қилиш;

Таҳлил ва назорат фаолиятида:

- давлат, маҳаллий ҳукумат ва хўжалик юритувчи субъектларнинг машинасозлик соҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни билиши ва улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш;

- саноат қорхоналари машинасозлик технологиясини лойиҳалаш соҳасида ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ҳамда назарий моделларини ишлаб чиқиш ва илмий-тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш;

- саноат қорхоналари лойиҳалаш бўйича ишлар сифатини ошириш ва уни ривожлантириш йўллари ишлаб чиқиш;

- маҳаллий ва хорижий саноат қорхоналари машинасозлик деталларини лойиҳалашга оид жараёнлар ҳамда ходисаларни характерлайдиган кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва қиёслаш.

Ташкилий-бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:

- замонавий ахборот технологиялар тизимидан фойдаланиб ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ҳамда механизмларини ишлаб чиқиш;

- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;

- бажарилаётган иш режасини тузиш ва бу ишни назорат қилиш, ишни бажариш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш, ўз ишининг натижаларини баҳолаш;

- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнгин, техника ва меҳнат хавфсизлигини талабларига мослигини мониторинг қилиш;

- касбий этика қоидаларини риоя қилиш.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:

- техник маълумотлар таҳлили ва унинг имкониятини тушуниши, унинг негизида ишлаб чиқариш самандорлигини ошириш мақсадида қарор қабул қилиш;

- ишлаб чиқариувчилар фаолиятини ташкил қилишда ахборот технологияларни ўрни ва ролини англай олиш;

- тизимлар, технологик жараёнлар, уларнинг элементлари ва технологик ҳужжатларни ишлаб чиқишда ижрочилар жамоаси таркибида иштирок этиш;

- саноат қорхоналари машинасозлик объектлари, жараёнлари, тизимлари, жиҳозлари ва техник воситаларининг эксплуатация хавфсизлигини таъминлаш;

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича технологик ечимларни ишлаб чиқиш;

- техникавий-иктисодий таҳлил қилиш;

- ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг самарали усулларини танлаш ва қўллаш;

- саноат қорхоналари машинасозлик ишлаб чиқариш технологияси жиҳозлари, ҳамда қурилмаларини ишлатиш бўйича мавжуд ҳолатларнинг аналитик шарҳини ишлаб чиқиш;

- саноат қорхоналари машинасозлик ихтисослигига мос мавзулардаги лойиҳаларни экспертиза қилиш бўйича эксперт гуруҳларида иштирокчи сифатида қатнашиш;

- пуллик таълим хизматларини ташкил этиш ва амалга ошириш;

- ихтисосликка мос мавзу бўйича турли хизматларни кўрсатиш.

2. 70720801 – Машинасозлик технологияси ва жиҳозлари (ишлаб чиқариш бўйича) таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- илмий дунёкарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, иктисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;

- ўз фаолиятида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;

- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш қўникмаларига эга бўлиши;

- ахборот технологияларидан фойдалана олиши, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши.

2.2. Касбий компетенциялар:

- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш қўникмаларига эга бўлиш;

- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишни билиш;

- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш;

- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш қўникмаларига эга бўлиши;

- давлат, нодавлат ва ношароит ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши;

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш қўникмаларига эга бўлиши;

- маҳсулотнинг сифат даражасини баҳолаш, сифатни бошқариш ва бошқаришнинг комплекс тизимини жорий қилиш, маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини бошқариш жараёнларини оптимизациялаш;

- машина деталларини технологик қулайликка ишлаб чиқиш, технологик жараён ва амалларнинг унумдорлиги ва самарадорлиги таъминлашнинг илмий асослаш;

- машинасоз деталларини ишлаб чиқариш технологияси ишлаб чиқиш ва таҳлил қилиш ;

- машинасозлик деталларини лойиҳалаш жараёнларини ишлаб чиқиш;

Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, магистратура ва бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастури, конун, қоида, қарор, олий таълим, ўқув жараёни, магистратура, консалтинг, лойиҳа-қидирув, педагогик, илмий-педагогик иш, малака амалиёти, битирув малакавий иш, магистрлик диссертацияси, машинасозлик технологияси, детал сифати, деталлар, машинасозлик жихозлари, баҳолаш, сифат назорат, давлат аттестацияси, мустақил таълим, ўқув фанлари блоқи, мундарижа, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, профиль, амалиёт объекти, кадрлар сифати, юклама, юклама ҳажми, илмий фаолият, ички назорат, якуний давлат назорати, давлат-жамоатчилик назорати, ташқи назорат, моддий-техник база, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни, махсус фанларни ўқитиш методикаси, ахборот-коммуникатив тизимлар, замонавий тадқиқот методлари, ахборот ва замонавий педагогик технологиялар, моделлар ва моделлаш, илмий тадқиқотларни ташкил қилиш, виртуал электрон билим манбалари, дидактика, назария.

КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Ислон Каримов номидаги
Тошкент давлат техника университети

Ректор  проф. С.М. Турабджанов

202_ йил « ____ » _____

М.Ў.



“Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги конструкторлик-технологик маркази”

Бош директор  Ш.Ахмедов

202_ йил « ____ » _____

М.Ў.



КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор в.б.  М. Эсонов

202_ йил « ____ » _____

М.Ў.



Тошкент шаҳридаги Турин
политехника университети

Ректор  Ж.Ш. Иноятходжаев

202_ йил « ____ » _____

М.Ў.




“Универсал технологиялар ва
материаллар” МЧЖ

Директор  Ж.Н.Содиқов

202_ йил « ____ » _____

М.Ў.



“Темир олов” МЧЖ

Директор  М.Ашуров

202_ йил « ____ » _____

М.Ў.

